



ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ижроия қўмита аъзолари билан бирга, Марказий Кенгаш масъул ходимлари, Қорақалпоғистон республика, вилоят ҳамда туман партия кенгашлари раислари қатнашди.



Партиянинг кучи ва мавқеи амалий ишлари билан мустаҳкамланади

2

ЎзХДП фракциясининг позицияси

Соғлом авлодни тарбиялаш

кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасаларига боғлиқ

Аввал хабар қилинганидек, ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги парламент эшитиш бўлиди. Унда болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш ҳолати ва истиқболлари бўйича Халқ таълими вазирининг ахбороти тингланди. Маълумот ўрнида

айтиш жоиз, бугунги кунда республикамизда жами 4950 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 52205 нафар педагог ходим 582 минг нафарга яқин болага таълим тарбия бермоқда.

► Давоми 2-бетда.



Сийсий партия: таҳлил ва таклиф

Интернет: ижтимоий тармоқлар

замонавий сийсий тизимда сайловчилар билан ишлашнинг энг қулай ва самарали воситасига айланмоқда



3

Долзарб масалалар муҳокама қилинди

«Сайловдан кейинги ўтган даврда туман партия кенгашининг 9 та пленуми, партия гуруҳининг 16 та йиғилиши ўтказилди. Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига депутатларимиз ташаббуси билан 11 та масала киритилди ва уларнинг ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатилди. Сайловчилар, электроратни ўйлантираётган турли йўналишдаги масалалар юзасидан 70 та депутатлик сўрови юборилди».

ЎзХДП Юкори Чирчиқ туман кенгашининг ҳисобот-саноат конференциясида туман партия кенгаши раиси Латифов Мансуров ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот бераркан, ана шу рақамларни келтириб ўтди.

Конференцияда туман партия кенгаши ва гуруҳининг фаолияти кенг таҳлил этилди.

— Айтиш жоизки, бошланғич ташкилотларда мақсадли тадбирлар ўтказиш, партиянинг гоёси ва устувор вазифалари тарғиботини кучайтириш ишми самарасини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дея ҳисоботини давом эттирди туман партия кенгаши етакчиси. — Бугун туманимизда партияимизнинг 34 та бошланғич ташкилоти фаолият юритяпти, уларга мингдан ортиқ аъзо бирлашган. Аҳолининг сийсий-ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида кўп йилларда 62 марта сийсий ўқув ўткази-

либ, уларда 4 мингдан ортиқ партия аъзолари иштирок этди.

Бундан ташқари, аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳуқуқий ва бошқа маслаҳат кўмаги кўрсатиш, электрорат ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти янада кучайтирилди. Аҳолидан тушган 141 мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Конференцияда, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Эгамберди Жаниқулов, партия фаоллари Изатилла Мирхамидов, Мухаббат Қосимова сўзга чиқиб, амалга оширилган ишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Партия ташкилотининг ўтган даврдаги фаолияти қониқarli баҳоланди.

Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Зулжумор ЭРГАШЕВА

ЎзХДП ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш имконига эга бўлганим учун Ўзбекистон раҳбариятига сამимий миннатдорлик билдираман.

Сизни ва Ўзбекистон илмий жамоатчилигини юксак савияда ташкил этилган ушбу нуфузли анжуман муваффақиятли ўтгани билан табриклайман. Халқаро илмий жамоатчилик гоёта фойдали ва муҳим ташаббуслардан бирига айланган бундай конференцияни кўндан кўнун сабрсизлик билан кутган эди. Форум дунё мамлакатлари илм-фан вакилларини Марказий Осиё олимларининг улкан илмий ва тарихий меросининг ҳали очилмаган саҳифаларини ўрганиш мақсадида бир жойга тўплади.

Сиз ўзингизнинг теран маъноли илмий нутқингизда менинг илмий фаолиятимни лутфан эслаб ўтдингиз. Бу мен учун катта шарафдир. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ўрганишга бағишланган ярим асрлик фаолиятим давлат раҳбари томонидан эътироф этилгани ва юксак баҳоланганидан мен ниҳоятда мамнунман ва бунинг учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бой ўтмишга эга ва бугун тараққий этиб бораётган буюк мамлакатингиз бутун Осиё доирасида кенг ёйишга улкан ҳисса қўшган ва кўшмоқда. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру Шарқ Ренессанси ҳақида гапирганда ҳар доим Марказий Осиёни назарда тутган. Ўз фаолиятини 1969 йилдан буён Марказий Осиё ва Ўзбекистон билан боғланган олим сифатида ушбу минтақа илм-фани ва маданияти доимо мени мафтун этиб келди. Марказий Осиё алломалари ва мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси тараққийига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва қайта тиклашга ўзининг аризмас улшimini қўшганимдан бахтиёрман.

Марказий Осиё ҳақида 230 илмий мақола ва 15 китобим чоп этилган. Айни пайтда Марказий Осиё тўғрисидаги Қисқача энциклопедия устида олиб бораётган ишнинг ниҳоясига етказиш арафасидаман. Сиз Ўзбекистонда буюк аждодларингиз меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга раҳнамолик қилаётганингиз ҳар қанча таҳсинга сазовордир, бу мени ҳам янги-янги илмий изланишларга руҳлантиради. Сизнинг ғам-хўрлигингиз ва эътиборингиз бизнинг Марказий Осиёни янада чуқур ўрганишга қаратилган ишларимизга янги куч бағишламоқда. Зеро, ўз аждодлари ва олимларини қадрлаган давлат, албатта, раванк топади.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятига бағишланган айрим китобларимни Сизга чуқур хурмат ва эҳтиром билан тақдим этиш мен учун катта шарафдир. Менинг фикрларимни Мухаммад Иқболнинг қўлидаги сатрлари янада ёрқинроқ ифодаланиши мумкин:

Ўзимда не бўлса борини бердим,
Сиз яхши биласиз бунинг қадрини.

Эзгу тилаклар билан,

Мансура ҲАЙДАР,
профессор, Индира Ганди номидagi
миллий маданият марказининг илмий раҳбари.
Деҳли

Коллеж битирувчиларига дипломлар топширилмоқда

Бугунги кунда Чимбой туманида 6 та касб-хўнара коллежи ва академик лицей фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий ўқув йилида ушбу таълим муассасаларини 1 минг 53 нафар ўқувчи тамомлапти.



Тумандаги педагогика ва Қизилўзақ кишлоқ хўжалиги касб-хўнара коллежидида ўтказилган ёшларга мутахассислиги бўйича диплом топшириш маросимида ўқитувчи-педагоглар ва битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар истиқболи учун яратилган шароитлар ҳақида алоҳида тўхтади.

Айни вақтда касб-хўнара коллежларини битираётган ёшлар ўз ихтисослиги бўйича олий таълим юрталарида ўқишни давом эттириши ёки эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш имкониятига эгадирлар.

Илмий вақтинчи ҚўТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАЁТИ ИЖТИМОЙ

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Йўловчига етказилган зарар

қопланиши кафолатланмоқда



www.uzbekistonovozi.uz

Танлов

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик шодиёнаси арафасида ушбу мавзуда республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бу танлов ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган кўшиқлар яратишни рағбатлантириши келмоқда.

Кўрик-танловнинг вилоят бос-

қичида Ватанни, тинчликни ва осуда ҳаётимизни улуғловчи кўшиқлар янгради.

Танлов якунига кўра, 6 нафар ижрочи голиб, деб топилди, танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз

ЎзХДП Қарши шаҳар кенгашининг ҳисобот-саноат конференциясида ўтган беш йиллик фаолият таҳлил этилди. Истиқболдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сониди ўқийсиз.



Соғлом авлодни тарбиялаш

кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасаларига боғлиқ

Боғчаларнинг 4654 таси, яъни 94 фоизи умумий (оммавий) типдаги мактабгача таълим муассасаси ҳисобланади. Жисмоний ва психик ривожланишида турли нуқсонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган боғчалар 195, Санатория (заиф, турли юқумли касалликларни бошидан кечирган болалар учун) типдаги боғчалар эса 101 тани ташкил этади. Мактабгача таълим муассасаларининг 3604 таси замонавий, 1346 таси мослаштирилган биноларда фаолият юритмоқда. Ҳозирда 75 та хусусийлаштирилган боғча ишлаб турибди.

Парламент эшитувида мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг муҳим жиҳатлари атрофида кўриб чиқилди. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини замон талаблари даражасида тубдан ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракат депутатлик гуруҳи кун тартибидеги масала бўйича ўз нуқтаи-назарлари ва позицияларини билдирди.

жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Абдуғаффор Қирғизбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар партияимиз дастурий мақсадлари ва электротар маффаатларига мос келади. Фракцияимиз парламентда болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш ҳолати ва истиқболларининг кўриб чиқиши бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишнинг кенгайтириши, аввало, фарзандларимизни болалигидан мустақиллик гоёлари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, тизимда янги иш уринлари яратилиши, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради. Булар ЎзХДПнинг диққат марказидаги масалалардир.

Бир неча йилдан буён мамлакатимизда Давлат бюджетининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилган, бунинг таркибидеги таълим тизимига сарфланган маблағнинг юқори эътибори таълим масаласида давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айлангандан далолат беради. Мактабгача таълим



Санжап ШОТЛУГАНОВ олган суратлар.

муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари такомиллашмоқда, нодавлат боғчалар тармоғи кенгайтирилиб, молия институтининг иштирокида ушбу йўналишда қатор инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам мактабгача таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси қилинаётган ишларни эътироф этган ҳолда, соҳадаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича ўз тақлифларини маълум қилди.

Фракцияимиз 2015-2020 йилларда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиши мўлжалланган давлат дастурида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ички салохиятидан кенг фойдаланиш лозими, деб ҳисоблайди. Дастур доирасида қишлоқ жойларига, бунинг таркибидеги таълим тизимига сарфланган маблағнинг юқори эътибори таълим масаласида давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айлангандан далолат беради. Мактабгача таълим

атрофидаги ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш жараёнида боғчаларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш лозим.

Гулноза Эрназарова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Фракцияимиз фикрича, мактабгача таълим муассасаларини кадрлар билан етарли даражада таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш бугунги кун талабидир. Мактабгача таълим муассасаларида қатор мутахассисларга катта эҳтиёж бор. Жумладан, болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш, логопед, дефектолог, қолаверса, жисмоний тарбия бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги кўзга ташланмоқда.

Махсус мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш натижалари кўрсатмоқдаки, улар учун индивидуал махсус дастурларни қайта кўриб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Нодавлат (хусусий) мактабгача таълим тизими бўйича ҳуқуқий асосни

такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, боғчаларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг содда ва самарали механизмининг жорий этиш тавсия этилади.

Мактабгача таълим муассасалари таъминотида қаратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун фракцияимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари, партияимизнинг худудий ташкилотлари мазкур масалани, умуман, баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ вазиफलари устувор йўналишлардан, деб ҳисоблайди.

Парламент эшитувида ЎзХДП фракцияси Халқ таълими вазирининг болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш ҳолати ва истиқболлари ҳақидаги ахборотини кўллаб-қувватлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТўРАХОНОВ тайёрлади.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Дастур доирасида

Қишлоқ жойларига, айниқса, боғчалар мавжуд бўлмаган қишлоқларда замонавий таълим муассасаларини қуришни режалаштириш зарур.

Хусусан, ЎзХДП фракцияси мустақиллик йилларида мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълимга янги мазмун ва педагогик-инновацион технологияларни

Давоми. Бошланғич 1-бета.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Партиянинг кучи ва мавқеи амалий ишлар билан мустаҳкамланади

Дастлаб йиғилишда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорда белгиланган вазифалар, истиқлол байрамини муносиб нишонлаш, бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

ЎзХДП мамлакатимизда йигирма уч йиллик мустақил тараққийёт йўлида эришилган тарихий ютуқларни юксак қадрлаш, юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, шу орқали халқимиз фаровонлигининг кафолати таъминланаётгани таъкидланди. Ҳар бир тadbирни кўтаринки кайфиятда, очик ва самимий руҳда, одамлар билан фикр алмашиш тарзида ўтказиш бўйича тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг жорий йил ўтган давридаги фаолияти яқунлари ҳамда кун тартибидеги бошқа масалалар танқидий ёндашув билан кўриб чиқилди.

2014 йилга мўлжалланган партия Ҳаракат дастури ижроси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ташаббуси билан доимий комиссия ҳамда сессияларда кўрилган масалалар ва уларнинг натижалари таҳлил қилинди. **Йил бошидан бери халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари йиғилишларида Ҳаракат дастурида белгиланган, шунингдек, электротар маффаатларига қаратилган 180 га яқин масала муҳокама этилган. Шундан 89 масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги тегишли доимий комиссияларга, 38 масала сессияларга олиб чиқилган.**

Маълумки, электротар маффаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жойлардаги ижтимоий масалаларга тез ва самарали ечим топишда депутатлик сўрови институти муҳим ўрин тутаяди. ЎзХДП гуруҳлари ўз фаолиятида бунга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги **ЎзХДП гуруҳлари аъзолари аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди идора-ташкilotларга 400 га яқин депутатлик сўрови** юборилган. Аксарият сўровларга жавоблар олинган, тегишли худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати яхшиланишига эришилган.

Йиғилишда Ҳаракат дастурида белгиланган вазиफलарни ўз вақтида, сифатли бажариш, масалаларни сидқидилдан ўрганиб, доимий комиссия, сессияларга кўтариш, пухта ўйланган тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича фаол ва ташаббускор партия гуруҳлари фаолияти мисолида тавсиялар берилди.

Ижроия кўмита аъзолари, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларини янги технологиялар асосида олиб бориш зарурлигига эътибор қаратишди. Бу борада Андижон вилоят партия кенгаши иш тажрибасини ўрганиш тавсия этилди.

Йиғилишда «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорнинг бажарилишида ЎзХДП гуруҳларининг иштироки (Жиззах вилояти мисолида), «Еш сиёсати-2014» кўрик танловининг дастлабки босқичлари яқунлари ҳам жиддий муҳокамадан ўтказилди.

Кун тартибидеги масалалар бўйича **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдулаева, Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Боймурод Юсупов, Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш сектори мудири Гулшан Асатова, «Истикбол» ёшлар қаноти маркази катта референти Умрбек Бектемиров** ва бошқалар таҳлилий ўрганиш натижалари, чиқарилган хулосалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳар бир масала бўйича ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Давоми. Бошланғич 1-бета.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

Фаоллик ва ташаббускорлик

туфайли электорат манфаати самарали ҳимоя этилмоқда

мобайнида 450 нафарга яқин фуқаро партияимизга қабул қилинди.

Шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электротарни ўйлантираётган масалалар партия ташкилотларимиз томонидан доимий равишда таҳлил этиб борилаётган. Хусусан, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича корхоналарда амалиёт ўтатиш, мазкур корхоналарда ишга жойлашиши, тегишли идоралар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказиш, ёшларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш каби йўналишларда иш олиб борилади.

Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича тизимли равишда ўқувлар ташкил этилди. Шунингдек, Жамоатчилик қабулхонасига ҳисобот даврида 300 га яқин мурожаат бўлди. Шундан 250 дан ортиги ижобий ҳал қилинган, 24 таси назоратга олинди. Мурожаатларнинг асосий қисми бандлик, кредит олиш, коммунал соҳа билан боғлиқ масалалар бўлиб, улар тегишли

идора ва ташкилотлар ёрдамида бар-тароф этилди.

Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қатор ташаббуслар билан чиқди. Жумладан, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш, сифатли табиий хизматни ташкил этиш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини кучайтириш, уй-жой коммунал хизмат соҳасидаги масалаларни ҳал этиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилди.

Партия гуруҳимиз аъзолари томонидан ҳисобот даврида турли ижтимоий-иқтисодий масалаларда 120 депутатлик сўрови юборилган. Улар 200 дан ортик сайловчи билан учрашувлар, 100 га яқин оммавий сиёсий тадбирларда фаол иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилаётган

ни таъкидлашди. Бу жараёнда ЎзХДП ташкилотлари ҳамда депутатлари фаол иштирок этмоқда. Бу эса партиянинг аҳоли орасига чуқур кириб бориши, уларни ўйлантираётган масалаларини ижобий ҳал этиш имконини кенгайтиради.

— Бугунги кунда «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари жамиятимизнинг энг фаол йигит-қизлари ҳисобланади, — дейди **ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти Янгиер шаҳар бўлими етакчиси Озода Ирискулова**. — Биз партияимиз гоёларини тарғиб этиш билан бирга Президентимизнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қарори ижросини таъминлаш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўйишга ҳаракат қилаёلمиз. Хусусан, ёшлар ҳуқуқ ва эркинликлари, эрта никоҳ қуришининг салбий оқибатлари, «оммавий маданият»га қарши кураш каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб келяёلمиз.

— Тарғибот-ташвиқот ишларини замонавий ахборот технологиялари ёрдамида, жонли мулоқот тарзида олиб бормоқдамиз, — дейди **ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Янгиер шаҳар бўлими етакчиси Муқаддас Ўринбоева**. — Жумладан, ўтган йил мобайнида 10 дан зиёд учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. «Соғлом оила — жамият таянчи», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари» каби мавзуларда ўтказилган тадбирларимиз бола тарбияси билан машғул аёллар, балоғат ёшидаги қизларнинг маънавий ва табиий маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу йўналишдаги ишларимизни Соғлом бола йилида янада кучайтиришга ҳаракат қилаёلمиз.

Конференцияда ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгаши тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди. Шунингдек, ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

XXI асрда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернетнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти шиддат билан ошиб бормоқда. Бугун ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий — барча-барча соҳаларда глобал тармоқнинг чексиз-чегарасиз имкониятларини ҳисобга олмаслик, ундан маълум мақсадлар йўлида фойдаланмаслик, таъбир жоиз бўлса, замондан орқада қолиш, дегандир.

Бу масала бевосита сиёсий партиялар фаолиятига ҳам дахлдор. Кейинги йилларда интернет партияларнинг ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш — партия ғоя ва қарашларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, одамларни ўз ортдан эргаштириш, куч-қудратига ишонтириш ва шу орқали сайловларда муносиб иштирок этишда самарали воситалардан бирига айланмоқда. Бунда ҳар бир партия ўзининг веб-сайтига эга эканлиги кўл келмоқда.

Бироқ халқаро экспертларнинг таҳлилларига кўра, кейинги ўн йилда жаҳон сиёсий тизимида сиёсатшунос ва депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотга киришиши, фикр алмашиши, баҳслашиши, одамларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиши, бир сўз билан айтганда, сайловчиларга янада яқин бўлишида кўпроқ глобал тармоқнинг бошқа имкониятлари — блог ва ижтимоий тармоқлар катта ёрдам бермоқда.

Ҳориждаги муниципал округ депутатларидан бири ўз интернет саҳифасида бу ҳақда шундай ёзди: «Менга сайловчилар билан доимий алоқада бўлишим учун ижтимоий тармоқда гуруҳ очишни таклиф қилишганда, очиги, кўлим келганди. Улар қаерда-ю, ижтимоий тармоқ қаерда! Бироқ мени мажмур тажрибани синаб қўришга қўндиришди. Ҳозир эса бундан мамнунман. Ижтимоий тармоқ сайловолди курашларда енгиб чиқишимга ёрдам берди. Таъкидлаш жоизки, сайловлар даврида депутатлар катта ҳажмдаги иш қўламини бажариши, мунтазам равишда одамлар билан мулоқотлар ўтказиши зарур. Шундай учрашувларда сайловчиларга ижтимоий тар-

моқда улар учун махсус гуруҳ очилгани, ҳар бири исталган вақтда, исталган масалада муурожаат қилиши, талаб ва шикоятларини айтиши ҳақида хабар қилдик.

Бироз вақт ўтиб интернетдаги саҳифада сайловчиларнинг деярли 30 фоизи рўйхатдан ўтди. Улар яхши маънода гуруҳни остин-устун қилиб юборишди — фикрлар, тортишувлар, эътироз ва эътирофлар, таклифлар бир сўз билан айтганда, гуруҳ сиёсий баҳс майдонига айланди. Салбий фикр-мулоҳазалар ҳам йўқ эмасди. Бу ҳолатда ишимиздан норози бўлаётган сайловчилар билан қайтадан учрашувлар ўтказдик. Айнан нима учун салбий муносабатда эканлигини ўргандик. Бундан ташқари, сайловлар олдиндан гуруҳ аъзолари ўртасида депутат сифатида баргараф этишим зарур бўлган энг муҳим ишлар бўйича онлайн сўров ҳам ўтказдик. Умуман, сайловчилар билан ижтимоий тармоқ орқали мулоқот қилиш партияимиз саҳифага янада кўпроқ одамларни жалб этиш, уларни қийнаётган муаммоларини аниқлаш ва ижобий ечим топишда кутганимдан кўра яхшироқ самара берди».

Бу мулоҳазалар бежиз эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда ижтимоий тармоқлар фуқаролик жамиятининг аниқланган шакллари нафақат ўзгартиряпти, балки яқин келажакда янги ҳақда кўринишини ўзда намойён этаёпти. Аслида ижтимоий тармоқларнинг асосий вазифаси



Интернет: ижтимоий тармоқлар

замонавий сиёсий тизимда сайловчилар билан ишлашнинг энг қулай ва самарали воситасига айланмоқда

улар эндигина ташкил этилаётган пайтларда одамларга узоқдаги таниш билан алоқа қилиш, улар ўртасида ўзаро онлайн мулоқотни йўлга қўйиш эди. Бироқ бугун уларнинг функциялари тора кенгайиб бормоқда. Энг аввало, жамоатчилик онлига таъсир кўрсатишнинг қудратли ахборий-сиёсий воситасига айланмоқда.

Сиёсий психология мутахассисларининг фикрича, замонавий жамиятда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг асосий устунлиги — мулоқот эркинлиги ҳисобланади. Айни пайтда улар ер юзидеги қарийб 3 миллиард аҳолини қамраб олган. Бу — сайёра аҳолининг деярли ярми, дегани. Дунёдаги энг йирик ижтимоий тармоқ — «facebook.com»да жаҳон бўйлаб бир миллиарддан

кўпроқ инсонлар ўз саҳифасига эга ва бу кўрсаткич соат сайин ошиб бораёпти.

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда улар аҳоли ва ҳокимият ўртасида кўпик, кенг ва очик мулоқот майдони вазифасини ҳам ўтамоқда. Burson-Masteller компаниясининг йиллик Twitter тизимига кўра, бугунги кунда БМТга аъзо мамлакатларнинг 83 фоиз ҳукумат аъзолари Twitter тармоғида ўз акаунтини очган. Маълум бўлишича, 63 фоиз давлат ва ҳукумат раҳбарлари унда одамлар билан мулоқот қилиди.

Умуман, сиёсатшунос олимлар ижтимоий тармоқлардан олдиндан ўйланган пухта режа ва тўғри ёндашув асосида фойдаланиш ҳокимият ҳамда фуқароларнинг ўзаро тўғридан-тўғри мулоқотини йўлга қўйиш учун энг мақ-

бул воситага, самарали сиёсий технологияга айланаётганини эътироф этишмоқда. Шундан бўлса керак, бугун баъзи мамлакатларда депутатларнинг глобал тармоқдан тўғри ва оқилона фойдаланиши, шу орқали одамлар ичига кириб бориши мақсадида сиёсий партиялар томонидан махсус ўқув-тренинглар ташкил этилмоқда.

Жамиятшунос олим Ольга Крыштановская бу борадаги мулоҳазаларини қуйидагича баён этади: «Депутат, энг аввало, одамлар билан гаплашиши, уларни тинглаши, атрофдагилар унинг фаолияти ҳақида қандай фикрда экани билан қизиқиши шарт. Албатта, депутат сиёсатчи, халқ ишониб сайлаган обрў-эътиборли

Тахририятдан: Ушбу мақолада кўтарилган масала партия фаоллари, депутатлар, сиёсатчилар эътиборини тортади, деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, интернет имкониятлари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳўш, бу масалада депутатлар, сиёсий партия етакчилари, фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик қандай фикрда? Сизнинг таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

шахс сифатида бошқалардан ажралиб туриши зарур. Бироқ ўз навбатида у ҳам сайловчи сингари инсон. Шу боис ижтимоий тармоқда унинг инсонийлик хусусиятлари тўлиқ намойён бўлади.

Агар тармоқ фойдаланувчиси депутатнинг ўз анкетасини тўлдиргани, суратларини жойлаштиргани, мунтазам равишда саҳифасини янгилаб бораётгани, одамларнинг муҳим масалалар юзасидан берган саволларига тезкорлик билан жавоб қайтараётганига амин бўлса, ўз-ўзидан ўша депутатга нисбатан ишончи ортади. Бир сўз билан айтганда, интернет билан ишлаш ҳамда унинг барча имкониятларидан фойдаланишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда».

Интернет имкониятларидан ўринли фойдаланиш депутатлар учун жуда катта қулайлик. Масалан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари белгиланган режа ва муддат асосида амалга оширилади. Аммо ижтимоий тармоқда ўз шахсий саҳифасига эга депутат, керак бўлса, ҳар куни сайловчилар билан бевосита мулоқотга киришади, фикрлашади, баҳслашади. Одамларнинг таклиф ва мулоҳазаларига эътибор қаратади.

Бундан ташқари, агар партиянинг расмий веб-саҳифасига асосан партия ҳақида маълум тасаввурга эга одамлар муурожаат қилса, ижтимоий тармоқ ёки блогда сиёсатчилар кўп сонли тармоқ фойдаланувчиларини ўзлари мансуб бўлган сиёсий куч ғояларига эргаштиришга, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга ундайди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Болангизни жисмонан жазоламанг, акс ҳолда...



Болани жисмонан жазолаш ёки доимий тарсаклаб уриш билан унинг руҳиятига зийн етказилади. 20 йил давомидаги тадқиқотларга кўра, жазолашнинг бундай усуллари болалар руҳиятига салбий таъсир этиши исботланди. Мунтазам жисмоний жазо ва болалардаги таъсирчанлик даражаси юқорилиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Амалда болаларни жазолаш орқали тарбиялаш бирон-бир ижобий натижага олиб келмаган.

Канадалик болалар руҳшуноси Жоан Дюрран фикрича, қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, ота-онанинг можароли ҳазиятчи жисмоний куч билан ҳал этишга уринишини кўрган бола ҳам ундайғанида ўз муаммосини шундай ҳал қилишга уринади.

Жарималар тартибга йўғатди...ми?



Аслида дунёқарашни шакллантиришда тарғибот ташвиқотдан яхши усул йўқ. Бироқ ўзгариш сезилмасча-ми?

Айнан шу савол сингапурликларни «қулоқсиз»ларга нисбатан жарималар жорий этиш тартини қўллашга ундаган бўлса ажаб эмас.

Гап шундаки, ўтган асрнинг 70-йилларида Сингапур шаҳарлари чикиндилар билан қоришиб ётарди. Шаҳар маъмурияти бу кўринишни бартараф этиш мақсадида асосий тарғибот ташвиқот масалаларини қучайтирди. Афсуски, унинг самараси кўзга ярқ этиб ташланавермади. Шунда мамлакат маъмурияти қаттиққўл қонунлар қабул қила бошлади.

Авваллари метро ва поезд вагонларига чайналган сақичлар ёпишиб ётарди. Ёки шаҳарлардаги кўкаламзорлаштирилган майдонларда сув қўлмақлари чивинлар маконига айланарди. Автомобиль бошқараётиб қўл телефонда сўзлашиш одат тусига кирганди, кимўзарга тезликни ошириш ҳам эркак эди.

Бугунги кунда эса сингапурликлар бундай ёмон одатлардан даярли воз кечган. Бунга эса қаттиққўл чоралар орқали эришилганини нафақат халқаро, балки маҳаллий таҳлилчилар ҳам тан олишмоқда.

Масалан, метро ёки поезд вагонларига қўлида тамадди билан кириш 700 долларлик жарима қўллашга сабаб бўлади. Кўкаламзорлаштирилган майдонларни сугоришда қўлмақлар пайдо қилиб, чивинлар урчишига йўл қўйган эса минг долларлик жарима билан «сийланади». Ёки автомобиль бошқараётиб қўл телефонда сўзлашиш ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чорасини юзага чиқаради. Машинани маст ҳолатда бошқариш эса қадимги усулни такрорлашга мажбур этади: айбдор 6 та зарб билан калтакланади ва ярим йил қамоқда ўтиришига тўғри келади. Ёки чўмилиш ҳавасидаги нотозалик айбдорини 800 долларлик жарима кутади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Одатда гиёҳвандлик билан шуғулланидиган гуруҳлар занжир каби бириккан ҳолда ҳаракат қилади. Унда ҳар бир иштирокчининг вазифаси, амалга оширадиган юмуши алоҳида белгиланади. Кимдир «мижоз» топса, бошқаси «юк»ни етказиб бериши керак. Олди-сотдини амалга оширувчи «сотувчи» ҳам бўлади.

Картошка қопидаги ажал уруғи

Ҳамтовоклар — қозғоғистонлик А.Абдураззоқов билан янгийўллик Шухрат Юлдашев учрашиб, режа тузди. — Шу кунларда Тожикистондан Бекободга 10 килограмм «ташиш» олиб ўтилади. Сиз ана шу «гера»ни Янгийўлга олиб келиб, ўзингизда сақлаб турасиз. Одамларимиз олиб кетишади, — деди А.Абдураззоқов. — Хизмат ҳақингизга 500 АҚШ доллари бераман.

Шухрат Юлдашев «меҳмон»нинг таклифига рози бўлди.

Орадан кўп ўтмай Шухрат Юлдашевнинг уяли телефони жиринглади. — «Юк»ни «қўйлик» бозоридеги картошка сотиладиган жойга олиб келдим, — деди ўзини Эркинман, деб таништираган шахс. — Икки қоп картошканинг ичига яшириб қўйганман. Тез келинг...

Бу хабардан хурсанд бўлган Шухрат яна бир шерик — Жаҳонгир Норқўзиёв билан айтилган жойга жўнади.

Икковлонни бозорда Эркин кутиб турган эди. Картошқалар ичига яширилган 5 донна полиэтилен пакетдаги «ташиш»ни Шухрат ва Жаҳонгирга бериб, ўзи ортга қайтди.

Аммо оғу манзилга етмади. «Қўйлик» деҳқон бозори яқинида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказишда гумон қилиниб, аввал Шухрат Юлдашев, сўнгра унинг жиний шериги Жаҳонгир Норқўзиёв ушланди.

Суд уларнинг қилмишига яраша жазо белгилади. Қингир ишининг охири вой бўлиши яна бир бор исботини топди.

Халол меҳнат қилиб тинч яшаш ўрнига ноқонуний йўл билан мўмай пул топаман деганлар энди минг пушаймон. Аммо...

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ИЖТимоий МУҲОФАЗА

Истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилиш

фуқаролардан ҳуқуқий саводхонликни, мутасадди идоралардан эса ўз фаолиятини масъулият билан бажаришни талаб қилади

Истеъмолчилар ҳуқуқларининг бозор муносабатларини тартибга солиш, товар ва хизматлар сифати устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган мустақкам қонунчилик базаси яратилган. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат белгилари ва товарни келиб чиқиш жойи, номи тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида» ва «Метрология тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган бир қатор меъёрий ҳужжатлар истеъмолчи ҳимоясининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси эса бевосита истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотидир. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси борасидаги қонун-қоидаларнинг тарғибот-ташвиқоти Федерация ва унинг худудий ташкилотлари доимий эътиборида. Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш қўллаб муаммоларини ечиш ва олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбати, ўқув-семинарлар ва ОАВ орқали чиқишлар билан бир қаторда бундай тар-

ғибот ишларини корхона, ташкилот, маҳалла ва муассасаларда, энг гавжум масканлардан бири — бозорларда ҳам олиб бориш йўлга қўйилди. Хусусан, туман ва шаҳар марказларида жойлашган деҳқон бозорлари радиоэзеллари орқали харидор учун кўрсатилаётган хизмат турлари ва нархлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар узатиляпти. «Истеъмолчиларни ҳушёрликка қорлаймиз», «Сизга қандай савдо хизмати кўрсатишмоқда?», «Истеъмолчи, ҳуқуқингизни билдинг!» мавзусидаги маърузалар харидор билан сотувчи ўртасидаги муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

2014 йилнинг ўтган даврида Федерация ва унинг худудий тузилмаларига истеъмолчилардан 2 мингга яқин шикоят ва аризалар келиб тушди. Муурожаатларнинг 91,4 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида истеъмолчилар фойдасига жами 650 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. Муурожаатларнинг аксарияти табиий газ ва электр таъминоти соҳасига, савдо, коммунал хизмат кўрсатиш, алоқа, транспорт, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга тааллуқлидир.

Коммунал хизмат турларидан бўлаётган эътирозларда ўсиш кузатишмоқда. Жумладан, иссиқлик етказиб бериш, демонтаж масаласи, газ учун норéal қарздорликлар, қаттиқ чикинди ва канализация масаласи (ўз вақтида олиб чиқилмаслик, графика риоя қилмаслик), кўрсатилмаган хизмат учун электр-



энергияга ҳақ олиш, электр ҳисоблагичларни мажбуран ташқарига олиб чиқиш, ташқарида турган ҳисоблагичларда тамгаларнинг йўқлиги учун жарималар қўллаш, совуқ сув етказиб бериш (босим пастлиги, ҳисоблагичлар муаммоси)да ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжудки, ушбу ҳолатларга чек қўйиш борасида ваколатли органлар билан ҳамкорликда тегишли амалий ишлар олиб бориляпти.

Федерациянинг интерактив www.istemol.uz ва www.potreb.uz веб-сайтларининг ишга туширилганлиги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали жамоат тизимини барпо қилишга кўмаклашиш, аҳолининг истеъмолчилик саводхонлиги ва иш маданиятини оширишга қаратилган.

Федерация билан бир қатор вазирликлар, қўмиталар, жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши

ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган. ЎзХДП билан ҳамкорликдаги фаолият, энг аввало, фуқаролик жамияти қуришга муносиб ҳисса қўиши, жамият ҳаётининг барча жаҳаларида ижтимоий адолат ғояларини қарор топтириш, аҳолининг кам таъминланган эҳтиёжманд қатламлари учун зарур ижтимоий муҳофазани

таъминлаш масалаларига хизмат қилади. Бу борада партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан қонун ижодкорлиги фаолиятида яқиндан ҳамкорлик қилаёلمиз. Хусусан, фракциянинг қонунлар муҳокамаси юзасидан бўладиган ечимини қутаётган муаммолар мавжудки, ушбу ҳолатларга чек қўйиш борасида ваколатли органлар билан ҳамкорликда тегишли амалий ишлар олиб бориляпти.

Федерациянинг интерактив www.istemol.uz ва www.potreb.uz веб-сайтларининг ишга туширилганлиги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали жамоат тизимини барпо қилишга кўмаклашиш, аҳолининг истеъмолчилик саводхонлиги ва иш маданиятини оширишга қаратилган.

Федерация билан бир қатор вазирликлар, қўмиталар, жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Олимжон ЖУМАЕВ, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси вазифасини бажарувчиси.



Табиатнинг ўзи табиб

Дори воситалари ҳақида гап кетса, машҳур қизиқчининг ҳазили ёдга тушади:

сифати паст деб топилса, табиийки, сотувга чиқарилмайди. Агар бирор дори воситаси сизда шубҳа уйғотса, дарҳол сотувчидан унинг сертификатини сўрашингиз керак бўлади.

— Бугун кўпгина дори воситалари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Аммо баъзилар ҳамон чет эл маҳсулотларига кўпроқ ишонади.

— Дори воситаларининг савдоси кўп жиҳатдан рекламага боғлиқ. Машҳур компания ёки фирмаларнинг «бренд»и ҳам уларнинг харидорлигини таъминлайди. Бугунги кунда бизнинг корхоналаримиз ҳам реклама урғу бермоқда. Бунинг исботи сифатида республикамиздаги 17 фармацевтика корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 300 дан ортиқ дори воситалари дунёнинг 13 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинаётганини айтиш лозим.

Корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг дунё бозорига рақобатдошлигини ошириш мақсадида 22 корхонада ISO-9001 Халқаро сифати бошқарув тизими стандартлари жорий этилиб, йил охиригача бу кўрсаткич 26 корхонага етказилади. Шу билан бирга 6 корхонамиз-

да GMP Халқаро махсулот сифат стандартлари жорий этилиб, бу кўрсаткич ҳам йил охиригача 8 тага етказилиши режалаштирилган.

— Ўзбекистон бетакрор табиатга эга. Гиёҳларнинг ноёб турлари ҳам шу заминда ўсади...

— Табиат бизга бетакрор ўсимликлар дунёсини тухфа этган. Бу фармацевтика саноатини ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу соҳада 8 турдош илмий-тадқиқот институти фаолият юритади. Буларга Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон кимё фармацевтика илмий тадқиқот институти, «Шарқ табобати» илмий тадқиқот институти, «Вакцина» илмий ишлаб чиқариш библиомаси, Ўсимликлар моддаси кимё институти, Биорган кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш институти киради.

2013 йилда турдош илмий-тадқиқот институтилари Ўзбекистон кимё фармацевтика илмий тадқиқот институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти ва «Соғлом юрак» МЧЖ томонидан 13 номдаги (натрий хлорид, куркума экстракти, аллапинин, альбендазол, кукмазим, тейстерол, эскумид, меда-

Бугунги кунда бизнинг корхоналаримиз ҳам рекламага эътибор бермоқда. Бунинг исботи сифатида республикамиздаги 17 фармацевтика корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 300 дан ортиқ дори воситалари дунёнинг 13 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинаётганини айтиш лозим.

мин, тимоптин, мегосин, рагосин, гозалидон, нитроглицерин) субстанциялар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг фармацевтика бозорларида доривор ўсимликлар асосида олинадиган дори воситаларнинг умумий ҳажми 50-60 фоизни ташкил этади. Ўзбекистоннинг табиий флораси 4500 га яқин ўсимликлардан иборат бўлиб, шундан 1150 тури доривор ўсимликлар тоифасига киради. Чин маънода табиатнинг ўзи табиб.

Республикамиз олимлари томонидан янги дори воситаларининг 50 га яқин био-

логик фаол молекулалари яратилган бўлиб, улар Республикаимиз аҳолиси учун оригинал тайёр дори воситалари ишлаб чиқариш имконини беради.

— Истеъмолчи дори воситаларининг қандай хусусиятларига эътибор қаратиши лозим?

— Харидор аввало дори-дармонлар солинган қутиланинг бутлигига, ишлаб чиқарилган санаси, ундаги ёзувларнинг тиниклиги ва сифатига эътибор бериши зарур. Бундан ташқари, қути ичида албатта ушбу дорини қабул қилиш бўйича йўриқнома бўлиши керак. Дори воситасини қабул қилиш вақти ва миқдорини дорихона ходими ёки шифокордан сўраб олиш лозим.

Ўзбошимчилик билан қўллаш ёки тиббиётдан умуман йироқ бўлган кишилар тавсияси асосида дори воситаларини қабул қилиш кўпгина кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Дори-дармонлар куёш нурлари тушадиган ерлардан четда, баъзи ҳолларда музлатгичлар ичида маълум ҳароратда сақлангани мақсадга мувофиқ.

«Ўзбекистон овози» мухбири Бобур ЭЛМУРОДОВ сўхбатлашди.

Марафон

Соғлиқ ва соғлом турмуш тарзи учун!

Пойтахтимизда аҳолишунослик кунига бағишланган спорт марафони бўлиб ўтди. Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик бўйича жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Мирзо Улугбек номидаги истироҳат боғи, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Тошкент маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган маслаҳатчилар, «Ораста ёшлар» ахборот-маслаҳат гуруҳлари мураббийлари, имконияти чекланган болалар иштирок этди.

— Марафон 9 йилдан бери ўтказиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори ўринбосари Акмал Бабанов. — Бугун ҳам аънавий тарзда очишлиш маросимига тўлқандик. Бу каби тадбирлар аёлларни, болаларни спортга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Марафон ўтказишдан асосий мақсад соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аҳоли орасида тиббий маданиятни ва спорт мусобақалари оммавийлигини ошириш, ёзги таътил кунлари вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишдан иборат.

— Биз ушбу марафонда биринчи марта гимнастик машқларимиз билан қатнашяптимиз, — дейди Шайхонтоҳур тумани Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитаси раиси Муассар Фатхуллова. — Жамоамиз 50 ёшдан 85 ёшгача бўлган аёллардан иборат. Бугунги тадбир аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Тадбир сўнггида марафон голиблари ва иштирокчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Умида МУХТОРБЕКОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО 15-16 – 07. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+12 / +17 +30 / +35

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+18 / +23 +32 / +37

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+15 / +20 +32 / +37

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+18 / +23 +34 / +39

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+17 / +22 +32 / +37

Тошкент шаҳри

+18 / +20 +32 / +34

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +24 / +27

Париж +23 / +26

Москва +30 / +30

Мадрид +34 / +36

Пекин +35 / +35

Канберра +12 / +9

Рим +29 / +30

Афина +31 / +31

Токио +33 / +32

Стокгольм +26 / +26

Кейптаун +22 / +18

Қоҳира +33 / +33

Гавана +32 / +36

Вашингтон +31 / +27

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ҲХДП гуруҳи раҳбари **Алар МАҲАДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Дунёни ҳаяжонга солган 31 кун

Германия терма жамоаси Бразилияда ўтказилган XX ҳаҳон чемпионати олтин медалига сазовор бўлди

Бутун дунё «чарм тўп» ихлосмандларига олам-олам завқ бағишлаган навбатдаги ҳаҳон чемпионати поёнига етди. Мусобақа финалида Германия — Аргентина терма жамоалари ўзаро баҳс юритди.

Мухлислар финалчилар ўртасидаги уйинни 120 дақиқа давомида мароқ билан кузатди. Учрашув тенг курашлар остида кечди.

Уйиннинг 113-дақиқасида Германия вакили Шюрлле чап қанотдан тўпни жарима майдонига оширди. Гётце бу ерда тўпни ҳавода тўхтатиб ерга туширмасдан дарвозани ишғол қилди — 1:0. Бунгача эса аргентиналиклар бир неча бор қулай вазиятлардан унумли фойдалана олмаганди.

Ягона гол «немис машинаси» учун тарихий галабани тухфа этди. Агар ҳаҳон чемпионатлари тарихига назар солсак, бунгача Жанубий Америкада ўтказилган етти мундиалнинг барчасида омад шу қитъа вакилларига қулиб боққанди. Ушбу муваффақиятдан сўнг Германия футболчилари Жанубий Америкада бўлиб ўтган ҳаҳон чемпионатида галаба қозонган биринчи Европа терма жамоасига айланди.

Мусобақанинг бронза медали Голландия терма жамоасига топширилди. Голландлар учинчи ўрин учун ўтган баҳсда Бразилия футболчиларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финалдан кейин бир қатор номинациялар бўйича совриндорлар номи эълон қилинди. Жумладан, Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Лионель Мессеи мундиал-



нинг «Энг яхши уйинчиси» деб топилди.

Колумбия терма жамоаси ҳужумчиси Хамес Родригес эса «Энг яхши тўпурар»га аталган совринни қўлга киритди. Мусобақада у энг кўп — олтига тўп киритди.

Чемпионатнинг «Энг яхши дарвозабони»га аталган «Олтин қўлқоп» соврини эса Германия терма жамоаси посбони Мануэль Нойерга насиб этди. У мусобақада етти учрашувда майдонга тушиб, атиги тўртта гол ўтказиб юборди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Бразилия яшил майдонларида ўтказилган олтинмиш тўрт учрашувни 3 миллион 429 минг 873 томошабин бевосита стадионлардан туриб томоша қилди.

Бу борадаги энг яхши кўрсаткич бундан 20 йил аввал — 1994 йили АҚШда бўлиб ўтган ҳаҳон чемпионатида қайд этилган. Ушанда мундиал баҳсларини 3 миллион 587 минг 638 мухлис стадионда кузатганди.

Таъқидлаш жоиз, 2018 йилги ҳаҳон чемпионатида Россия мезбонлик қилади. Мусобақа якунида ФИФА президенти Йозеф Блаттер мундиал эстафетасини россияликларга тантанали равишда топширди.

Чарос ТУРСУНОВА

ФУТБОЛ

РЕКЛАМА



Moody's Investors Service

Халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
Миллий банкининг

кредит рейтингларини

ТАСДИҚЛАДИ

миллий валютадаги депозитлар рейтинги **B1**
хорижий валютадаги депозитлар рейтинги **B2**

Рейтинглар истиқболи:
«Барқарор»

Ватанимиз равнақи йўлида Сиз билан бирга!

www.nbu.com



Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760 11713 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.45 Topshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5